

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
**РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**  
№ 74-н " 8 " август 2019 й.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раиси ўринбосари  
Б.Э. Хидов



**“ИПОТЕКА-БАНК”**  
**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT ИПОТЕКА БАНКИ**  
**УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШЛАР**  
**ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

2019 йил 28 июнда ўтказилган  
“Ипотека-банк” АТИБ  
акциядорларининг навбатдаги  
умумий йиғилишида  
**ТАСДИҚЛАНГАН**  
(2019 йил 8 июлда тузилган  
30 - сонли баён)

“Ипотека-банк” АТИБ  
Кузатув кенгаши Раиси

Б.А. Хужаев



ТОШКЕНТ – 2019 йил

**“Ипотека-банк” АТИБ уставига киритилаётган  
ўзгартишлар ва қўшимчалар**

**1. 3.3-бандда:**

ўн олтинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“микроқарз бериш;”;

ўн еттинчи хатбоши ўн саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**2. 8.13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“8.13. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда ва акцияларни жойлаштириш бўйича қарорда белгиланган тартиб ва муддатда сотиб олинаётган акциялар нарҳини тўлаш;

- банкнинг конфиденциал маълумотларини ошкор қилмаслик;

- акциядор сифатида мазкур Уставнинг талабларига амал қилиш;

- мазкур Устав ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам амал қилиш.”.

**3. 11.9-бандда:**

йигирма учинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги йигирма тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”;

йигирма тўртинчи хатбоши йигирма бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**4. 11.18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“11.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.”.

**5. 11.47-банднинг ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”.

**6. 11.67-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

“11.67. Банк Бошқаруви Раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк Кузатув кенгаши қарори билан лавозимига тайинланади ва кейинчалик акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Банк Бошқарувининг бошқа аъзолари Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тартибда тайинланади (сайланади).”.

**7. 12.10-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

“12.10. Банк ички аудит хизматини ташкил этади. Ички аудит хизмати Банк кенгашига ва унинг ҳузуридаги Аудит қўмитасига ҳисобдордир.”.

**“Ипотека-банк” АТИБ  
Бошқаруви Раиси**

 Ш. Атабаев